ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10

ТОШКЕНТ-2020

**ЎТМИШГА НАЗАР / ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ / LOOK TO THE PAST**
№10 (2020) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10

**Бош муҳаррир:**
**Главный редактор:**
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Заместитель главного редактора:**
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**
*тарих фанлари доктори,*
*профессор, академик,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон жаҳон*
*тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Кебадзе Мадонна**
*доктор исторических наук, Телавский*
*государственный университет, Грузия*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Бурдиашвили Майя**
*доктор исторических наук, Телавский*
*государственный университет, Грузия*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*ЎзР ФА Тарих институти*

**Кожакеева Ляззат Темировна**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Хотин-қизлар давлат педагогика*
*университети, Қозогистон*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**
*тарих фанлари доктори,*
*Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент.*
*Ўзбекистон давлат жаҳон*
*тиллари университети*

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ғофforов Шокир Сафарович**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**
*Тарих фанлари доктори, профессор,*
*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт*
*институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**
*профессор, Телавский государственный*
*университет, Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Тошкент давлат техника университети*

**Кобзева Ольга Петровна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**
*тарих фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**
*тарих фанлари доктори, доцент*
*Нукус давлат педагогика институти*

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**
*тарих фанлари доктори*
*Ўзбекистон Республикаси*
*Фанлар академияси*

**Одилов Аброр Анварович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**
*тарих фанлари доктори, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**
*тарих фанлари номзоди, профессор,*
*Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги*
*Дипломатия академияси,*
*Қозогистон Республикаси*

**Ковалев Борис Николаевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Россия ФА, Санкт-Петербург*
*Тарих институти*

**Ауанасова Алима Мусировна**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Давлат тарихи институти, Қозогистон*

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**
*фалсафа фанлари доктори, профессор*
*Ал-Фаробий номидаги Қозогистон*
*Миллий университети, Қозогистон*

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
*тарих фанлари доктори, профессор*
*Ўзбекистон миллий университети*

**Алиева Лале**
*тарих фанлари доктори,*
*Озарбайжон Давлат университети*

**Исмаилова Алмаз**
*тарих фанлари доктори,*
*Доғистон мустақил университети*

**Талапов Бахриддин Алижанович**
*тарих фанлари номзоди, доцент,*
*Наманган давлат университети*

**Захидова Саховат**
*тарих фанлари номзоди, доцент*
*Ўзбекистон Миллий университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**
*тарих фанлари бўйича*
*фалсафа доктори, доцент*
*Наманган давлат университети*

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**
*PhD, доцент в.б.*
*Наманган давлат университети*

**Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**

**1. Равшан Ҳалимович Акбаров**
ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)..............4

**2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов**
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ....................................................................11

**3. Salamat Mamanuli Ktaybekov**
LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH........................................19

**4. Saidamirxon Mahmudov**
ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O’ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI............................................24

**5. Orifxo’ja Odilovich Mo`minov**
ARXEOLOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O‘RNI...............................................................31

**6. Орифа Зулфиқоровна Норова**
МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..................................................................38

**7. Жаҳонгир Давлатович Остонов**
БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁҲУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ........................................................................44

**8. Марҳабо Давлатовна Пардаева**
ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.................................................51

**9. Рустамжон Султонмуродович Солиев**
ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА..........................................................................58

**10. Юлдуз Бобоқуловна Турсунова**
ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ................................................62

**11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов**
ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.................................69

**12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова**
БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ....................75

ЎТМИШГА НАЗАР
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

**Рустамжон Султонмуродович Солиев,**
Наманган давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди

## ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**For citation:** Rustamjon S. Soliev, FOR THE SAKE OF MOTHERLAND AND NATION. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.58-61

**http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-9**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан ва халқ тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона жанг қилган Фазлиддин Деҳқонбоев тўғрисида маълумотлар акс этган. Мақолада асосий эътибор, қаҳрамонимизнинг ҳаёт йўли, жанг майдонларидаги кўрсатган жасоратлари, урушдан кейинги йиллардаги меҳнат фаолияти турли эсдаликлар ва дала тадқиқотлари ёрдамида таҳлил қилишга қаратилган.

**Калит сўз ва иборалар:**Мустақиллик, иккинчи жаҳон уруши, жанг майдонлари, меҳнат фронти, ҳарбий билим юрти, ҳарбий авиация,ҳарбий-ҳаво флоти кучлари.

---

**Рустамжон Султанмурадович Солиев,**
доцент Наманганского университета,
кандидат исторических наук

## В ИНТЕРЕСАХ РОДИНЫ И НАРОДА

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье показаны данные о Фазлиддине Дехканбаеве, который самоотверженно боролся за мир и спокойствие Родины и народа во время Второй мировой войны.Основное внимание в статье уделяется анализу жизненного пути нашего героя, его храбрости на полях сражений, его трудовой деятельности в послевоенные годы с использованием различных мемуаров и полевых исследований.

**Ключевые слова**: Независимость, Вторая мировая война, поля сражений, трудовой фронт, военное училище, военная авиация, силы военно-воздушного флота.

---

**Rustamjon S. Soliev,**
Docent of Namangan state university,
Candidate of History

## FOR THE SAKE OF MOTHERLAND AND NATION

**ABSTRACT**

This article gives information about Fazliddin Dehkanbaev, who devotedly struggled for the peace of Motherland and nation during the years of World War II. The article focuses on analyzing the hero's way of life, his bravery in the battles and his activity after the war by means of various memoirs and field researches.

**Index Terms:**Independence, World War II, battle fields, labour front, military educational establishment, military aviation, military-air forces.

---

**1. Долзарблиги**:

XX асрда инсониятга энг катта талофат, қурбонлар ва вайронаргарчилик келтирган урушлардан бири буИккинчи жаҳон урушидир. Бу масаланинг биринчи томони. Аммо, масаланинг иккинчи томони ҳам борлигини эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. У ҳам бўлса анашу машъум уруш йилларида миллатидан, ирқидан, динидан қатъий назар,Собиқ Совет Иттифоқихалқлариниг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги масаласидир. Мана шундай юксак туйғуни тўғри хис қилган юртдошларимиз Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш учун Иккинчи жаҳон урушининг барча фронтларида жон олиб, жон берганлар.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсийлик, кетма-кетлик ва холислик тамойиллари асосида ёритилган. Чунончи, мақлада келтирилган фактлар вақтли матбуот нашрлари ва оғзаки тарих методларига асосланганлиги билан характерланади. Шунингдек, мавзуга доир бир қанча китоблар, тарихий-бадиий асарлар, мемуарлар ва бошқа турдаги манбалар таҳлил қилинди. Бундай манбалар сирасига 2000 йилда нашр этилган Д. Алимова, Қ. Ражабов ва Р. Нуруллин ҳаммуаллифлигидаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачлиги даврида”, Ш. Эргашев ва Т. Бобоматовларнинг “XX аср: тақдирларда акс этган тарих”, Г. Б. Карсакованинг “Проблемы истории второй мировой войны в зарубежной историографии” ва 1997 йилда Москвада нашр этилган “Вторая мировая война: дискуссии, основные тенденции, результаты исследований” каби асарлар киради[1. Б. 326].

**3. Тадқиқот натижалари:**

“Барчамиз Наманган вилояти деганда, аввало, гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу табаррук заминга улкан мехр ва садоқат билан яшаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида тиним билмасдан меҳнат қилаётган, фидойи ва бағрикенг инсонларни кўз олдимизга келтирамиз”[2. Б. 73.]. Ана шундай инсонлардан бири чустлик иккинчи жаҳон уруши қатанашчиси Фазлиддин Деҳқонбоевдир.

Фазлиддин Деҳқонбоев урушдан кейинги йилларда хизмат юзасидан Россия, Литва, Австрия ва Венгрияда фаолият кўрсатиб, ҳарбий авиация муҳандиси, подполковник ва техника фанлари номзоди даражаларига эришди[3. P. 10].

Фазлиддин Деҳқонбоев 1917 йил 7 ноябрда Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғида мулла Деҳқон Мингбоши оиласида туғилган. Уларнинг оиласида 6 нафар фарзанд бўлиб, Фазлиддин Деҳқонбоев тўртинчи фарзанд бўлган.

1930 йилда оила бошлиғи Деҳқонбой ака хизмат юзасидан ва шахсан Йўлдош Охунбобоевнинг таклифига кўра, аввал Самарқанд, сўнгра Тошкентга кўчиб ўтади. 1935 йилда 18 ёшли Фазлиддин Деҳқонбоев Тошкент шаҳридаги Ж. Обидова номидаги Совет қурилиши ва ҳуқуқи институтига ўқишга киради. 1937 йилда 2-курснинг аълочи талабаси сифатида Саратов авиация билим юртига йўлланма олади.1939 йилда мазкур билим юртини битиргач, Ленинград вилоятининг Гатгина шаҳрига ўз мутахассислиги бўйича ишга юборилади ва шу ердан Совет-фин уруши (1939–1940)га сафарбар этилади. Айнан шу даврдан бошлаб ва бутун иккинчи жаҳон уруши йилларидаФазлиддин Деҳқонбоев ҳарбий-ҳаво флоти кучлари таркибида урушнинг деярли барча фронтларида 200 мартадан зиёд ҳавога кўтарилиб, жасорат кўрсатади ва қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқининг 10 та медал, 8 та ордени билан мукофотланади[4. P. 12].



ПОБЕДА!
1945
2007

Уважаемый Фазлитдин!

[illegible] самые искренние поздравления с всенародным праздником [illegible] Победы.

Прошли годы, минули десятилетия, но в нашей памяти Великая Отечественная война навсегда останется главным, величайшим по своему трагизму событием XX века, во многом определившим судьбы, само будущее всего человечества.

У вас – подлинных героев тех огненных лет войны – разные биографии. Одни отважно сражались на фронтах, другие мужественно держали бессменную трудовую вахту, но все прошли через горнило жестоких испытаний – выстояли и победили. Именно вы определили исход войны, повернули «колесо истории» к миру и прогрессу. Мы – в неоплатном долгу перед вами. Ваша вера и сила духа навсегда останутся высшим [illegible] патриотизма, нравственности, верности долгу.

Низкий Вам поклон. Крепкого Вам здоровья и всего самого доброго.

Президент Российской Федерации В.В. Путин

Урушдан кейинги йилларда Фазлиддин Деҳқонбоев Литва Республикасининг Поновежск шаҳридаги ҳарбий авиация ҳарбий қисмида ишлайди ва тақдир тақазоси билан шу ерда София Исақовна Воронева билан турмуш қуради. Шу даврдан бошлаб Рига ҳарбий авиация билим юртида муҳандис, 1946 йилдан бошлаб Москва ҳарбий ҳаво академияси тингловчиси, бир йилдан сўнг ўқишини “Меҳнат қизил байроғи орденли” Ленинград ҳарбий ҳаво академиясида давом эттиради. Академияни муваффақкиятли битиргач уни Австриянинг Вена шаҳрига, бир йилдан сўнг Венгриянинг Будапешт шаҳрига хизмат юзасидан ишга юборилади.

Фазлиддин Деҳқонбоев 1960 йилдан ўз фаолиятини Рига фуқаро авиацияси институтида ўқитувчи лавозимида давом эттиради ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади [5. P. 14].

СССР парчаланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қаҳрамонимиз Тошкент шаҳрига кўчиб келади ва ўн йил давомида бир умр орзу қилган, киндик қони тўкилган ўз ватанида яшайди. Шу орада 1991 йилда турмуш ўртоғи вафот этади. 2001 йилда тақдир тақозоси билан АҚШга кўчиб кетади. Ягона фарзанди қизи Нина ва икки набираси Мартин ҳамдаЗигурдлар Фазлиддин ака Деҳқонбоевнинг оила аъзоларидир[6. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғи. 2020 йил].

“Ватанни топшириғи билан мен кўп йиллар ўз она юртимдан, ўз туғишган уруғларимдан олисда бўлдим. Лекин, Ўзбекистон қанчалик олисда бўлсам ҳам қалбим ва юрагим аждодлар тупроғида бўлди”, деб хотирлайдилар қаҳрамонимиз [7. P. 14].



65
1945 2010

DEKHKANBAEV FAZLITDIN
9805 67 AVENUE, # 1043,
REGO PARK,
NEW YORK,
USA
11374

Уважаемый Фазлитдин !

Примите мои сердечные поздравления с 65-й годовщиной Великой Победы и самые добрые пожелания.

Мы гордимся Вами и будем беречь правду о Великой Отечественной войне. И всегда помним, что обязаны Вашему поколению мирной, свободной жизнью. Ваш подвиг — это пример доблести и самоотверженного служения своему народу. Огонь славы, зажжённый Великой Победой, — будет гореть вечно. Здоровья Вам, благополучия и праздничного настроения.

Президент Российской Федерации Д. А. Медведев

Фазлиддин Деҳқонбоев кўрсатган жасорати ва буюк хизматлари учун табрикнома олди (1-расм). Худди шундай табрикнома 2010 йилда Россия Федерацияси Президенти Д. Медведев томонидан ҳам чустлик ўзбек қаҳрамонга юборилди (2-расм).

2020 йил май ойида IIжаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллиги арафасида Фазлиддин Деҳқонбоев 103 ёшни қаршилар эдилар.Бугунги кунгача фахрий подполковник АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бахтли ҳаёт кечириб, 2020 йил 30 мартда вафот этди.

**4. Хулосалар:**

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг катта фожиалардан бири бўлди. Беш йилдан ортиқ давом этган уруш ҳаракатларига дунёдаги 72 та давлат тортилиб, 67 млн. киши қурбон бўлди. Фашистларга қарши урушнинг энг фаол иштирокчиси бўлган СССР таркибида бўлган Ўзбекистон халқи ҳам урушга бевосита ва билвосита тортилган эди. Уруш бошланганлиги ҳақида расмий хабар эълон қилиниши билан республика ҳарбий комиссариатларига жуда кўп аҳоли иҳтиёрий мурожаат қилиб, фронтга жўнаб кетди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик 280 нафардан ортиқ жангчилар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор

бўлди. Ана шундай қаҳрамонлардан бири бўлган Фазлиддин Деҳқонбоев сиймоси орқали ёшларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Алимова Д., Ражабов Қ., Нуруллин Р ва бошқ. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 326; Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Карсакова Г. Б. "Проблемы истории второй мировой войны в зарубежной историографии" // Новая история. – 2018. – №3. – С. 25–30; Вторая мировая война: дискуссии, основные тенденции, результаты исследований. – М.: Весь мир, 1997. – 700 с. (Alimova D., Radjabov K., Nurullin R. and others. New history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet colonial period. - Tashkent: Shark, 2000. - B. 326; Ergashev Sh., Bobomatov T. 20th century: history in fates. - Tashkent: Uzbekistan, 2015; Karsakova G.B. "Problems of the history of the Second World War in foreign historiography" // New history. - 2018. - No. 3. - P. 25-30; World War II: discussions, main trends, research results. - M .: Ves mir, 1997 . - 700 p.)
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 73. (Mirziyoyev Sh. Together with a brave and noble people, we will build our great future. ¬ Tashkent: Uzbekistan, 2017. – B. 73.)
3. Vatan // Central Asia. – New York, 2010. – №15. – P. 10.
4. Vatan // Central Asia. – New York, 2010. – №15. – P. 12.
5. Vatan // Central Asia. – New York, 2010. – №15. – P. 14.
6. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғи. 2020 йил (Field records. Olmos village, Chust district, Namangan region. 2020.).
7. Vatan // Central Asia. – New York, 2010. – №15. – P. 14.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

# LOOK TO THE PAST

№10 (2020)

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000